

*Abdinazarova Hidoyathon Oripovna  
Kokand State Pedagogical Institute,  
Senior lecturer at the Department of Geography and Economics*

## **ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КИМЁ САНОАТ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ**

**Аннотация.** Мақола Фарғона иқтисодий районида ташкил этилган кимё саноат корхоналар фаолиятининг географик тавсифига бағишланган. Унда 2005-2020 йилларда ташкил этилган кимё саноат корхоналар сони динамикаси, асосий кимё саноат тармоқлар таркибидаги маҳсулотлар ҳажми иқтисодий географик жихатдан ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** Фарғона иқтисодий райони, кимё саноат, тармоқлар таркиби, ҳудудий таркиб, кимёвий маҳсулотлар, кокс ва нефтни қайта ишлаш, резина ва пластмасса буюмлари, фармацевтика саноати, корхоналар сони динамикаси, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

**Аннотация:** Статья посвящена географическому описанию деятельности химических предприятий, созданных в Ферганском экономическом районе. Изучена динамика количества предприятий химической промышленности, созданных в 2005-2020 гг., объем продукции основных химических производств с экономико-географической точки зрения.

**Ключевые слова:** Ферганский экономический район, химическая промышленность, отраслевая структура, региональный состав, химическая продукция, кокс и нефтепереработка, резино-пластмассовые изделия, фармацевтическая промышленность, динамика количества предприятий, объем производства.


**Annotation:** The article is devoted to the geographical description of the activities of chemical enterprises established in the Fergana economic region. The dynamics of the number of chemical industry enterprises established in 2005-2020, the volume of production of the main chemical industries from an economic and geographical point of view has been studied.

**Key words:** Ferghana economic region, chemical industry, sectoral structure, regional composition, chemical products, coke and oil refining, rubber-plastic products, pharmaceutical industry, dynamics of the number of enterprises, production volume.

**Кириш.** Фарғона иқтисодий районида ташкил этилган кимё саноат корхоналарининг географик хусусиятларини ўрганиш катта илмий аҳамиятга эга. Кимё саноат корхоналарининг географик хусусиятларини аниқлашда, унинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми, тармоқ ва ҳудудий таркиби, корхоналар сони ва ишчи-ходимлар сони каби иқтисодий кўрсаткичларига эътибор қаратилади [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8]. Кимё саноатнинг иқтисодий кўрсаткичларини кузатиш ва таҳлил қилиш орқали географик жиҳатдан баҳоланади. Негаки, корхоналарнинг бу кўрсаткичлари маълум бир ҳудуднинг ривожланиш ҳолатини ўзида акс эттириб, муҳим географик ҳулосалар қилишга ёрдам беради [6, 7, 8]. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда иқтисодий районнинг республика кимё саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 13,6 фоизга тенг. Бу улушнинг катта қисми ҳудудий таркибда Фарғона вилоятига 10,1 фоиз (бу борада вилоят республика кимё саноат ҳудудий таркибида 5-ўринда туради), Андижон вилоятига 2,5 фоиз ва Наманган вилоятига 1,0 фоиздан тўғри келади. Агар кимё саноат ишлаб чиқаришдаги улушни иқтисодий район ички ҳудудлари бўйича кўриб чиқилса, Фарғона вилояти (72 фоиз) етакчилик қилади. Қолган қисми Андижон вилоятига 20 фоиз ва Наманган вилоятига эса 8 фоиз улуш тўғри келади [9, 10, 11].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоятлар доирасида иқтисодий район кимё саноати ишлаб чиқаришида Фарғона вилояти катта салоҳиятга эга. Бунинг асосий сабаби бу ерда йирик кимё саноат корхоналаридан Фарғона шаҳрида “Фарғонаазот” АЖ, Қўқон шаҳрида “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ (собик “Қўқон суперфосфат заводи” АЖ) ва пахта целлюлозаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Фарғона кимё заводи” МЧЖ кабиларнинг жойлашганлигидир. Натижада нафақат вилоятда ёки иқтисодий районда балки республикада кимё саноат ишлаб чиқаришга ихтисослашган 2 та йирик кимё саноат марказлари Фарғона ва Қўқон шаҳарларида ҳосил бўлган [4, 5, 6].

Умуман олганда, ҳозирги кунда иқтисодий районда ташкил этилган кимё саноат корхоналар сони жами 01.01.2020 йил ҳолатига 1453 тани ташкил этиб, бунинг 698 таси Фарғона вилоятига, 455 таси Андижон вилоятига ва 300 таси Наманган вилоятига тўғри келади. Жами иқтисодий районда фаолият кўрсатаётган кимё саноат корхоналарининг 48,0 фоизи Фарғона вилоятига, 31,4 фоизи Андижон вилоятига, қолган қисми яъни, 20,6 фоизи Наманган вилояти ҳудудига тўғри келади (1-расм).



**1-расм. 2005-2020 йилларда Фарғона иқтисодий районида ташкил этилган кимё sanoat корхоналар сони динамикаси (бирликда)**

Юқоридаги 1-расмда келтирилган 2005-2020 йиллардаги иқтисодий район кимё sanoat корхоналар динамикасига эътибор қаратилса, кейинги 15 йил ичида ташкил этилган кимё sanoat корхоналар сони ортиб борганлигини кузатиш мумкин. Масалан, иқтисодий районда 2005 йилда 158 та, 2010 йилда 261 та, 2015 йилда 726 та ва 2020 йилда 1453 та кимё sanoat корхоналари ташкил этилган. Агар райондаги ташкил этилган кимё sanoat корхоналар сонини 2020 йил билан 2005 йилни таққосланса 1295 тага ортган ёки 9,2 мартага кўпайганлигини кузатиш мумкин [9, 10, 11]. Ташкил этилган кимё sanoat корхоналари сони бўйича Фарғона вилояти етакчилик қилади. Мазкур вилоятга иқтисодий райондаги жами кимё sanoat корхоналарининг 1/2 қисми тўғри келади. Бу борада вилоятдаги туманлар орасида Учкўприк, Ўзбекистон, Данғара ва Бувайда туманлари ажралиб туради. Бу туманларга вилоятдаги кимё sanoat корхоналарининг 28,8 фоизи тўғри келади. Вилоят шаҳарлари орасида Қўқон шаҳри етакчилик қилиб, жами 81 та кимё sanoat корхонаси жойлашган. Фарғона шаҳрига эса 62 та, Марғилон шаҳрига 31 та корхона тўғри келади. Бироқ корхоналарда яратилаётган маҳсулотлар ҳажми бўйича вилоятда Фарғона шаҳри ўз устунлигига эга. Кейинги йилларда Фарғона вилояти ички ҳудудларида кимё sanoat корхоналар сонининг ўсиб боришига улардаги мавжуд меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан қабул қилинган кимё sanoat тармоқларини ривожлантиришга оид дастурлар, қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши, ҳудудларга чет эл инвестицияси асосида кичик технологияларнинг кириб келиши каби омиллар таъсир кўрсатганлиги

билан изоҳлаш ўринли. Бундан ташқари иқтисодий районда кимё саноат тармоқларининг кўпайишига ҳудуд аҳолиси сони ва меҳнат ресурслар салмоғининг ўсиб бориши ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ўз навбатида, Фарғона иқтисодий районида аҳоли сонининг ортиши кимё саноат маҳсулотлари истеъмолнинг ҳам ошишига олиб келса, аксинча уларга бўлган талабнинг ҳам юксалишига сабаб бўлади. Бундай хусусиятлар мазкур ҳудудда маҳаллий аҳамият касб этувчи кимё саноат корхоналарини ташкил этишга эҳтиёжни юзага келтирган.

1-жадвал

**2015-2020 йилларда Фарғона иқтисодий райони иқтисодий фаолият турлари бўйича кимё саноат ишлаб чиқариш ҳажми**  
(млрд. сўм ҳисобида)

№		2015				2020			
		Кокс ва нефтни қайта ишлаш	Кимё Маҳсулотлари	Резина ва пластмасса буюмлари	Асосий турдаги фармацевтика маҳсулотлари	Кокс ва нефтни қайта ишлаш	Кимё Маҳсулотлари	Резина ва пластмасса Буюмлари	Асосий турдаги фармацевтика маҳсулотлари
	<b>Фарғона иқтисодий райони</b>	<b>1249,0</b>	<b>2441,4</b>	<b>185,0</b>	<b>52,3</b>	<b>2408,6</b>	<b>2847,4</b>	<b>748,7</b>	<b>299,2</b>
1.	Андижон	0,1	6,3	29,0	0,9	6,3	524,1	236,8	50,7
2.	Наманган	0,4	42,4	23,5	50,1	9,6	201,3	154,6	230,4
3.	Фарғона	1248,5	2392,7	132,5	1,3	2392,7	2122,0	357,3	18,1

Жадвал Фарғона, Андижон ва Наманган вилояти статистика бошқармаларининг 2015-2020 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодий районда кимё саноат ҳудудий таркибига йирик кимё саноат корхоналари билан биргаликда маҳаллий кичик кимё саноат корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда иқтисодий районда иқтисодий фаолият турлари бўйича кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кокс ва нефтни қайта ишлаш тармоғи юқори даражада тараққий этган. Бу

борада район республикада ҳам ўзига хос мавқега эга. Буни юқоридаги 1-жадвал маълумотларини кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ҳам кузатиш мумкин (1-жадвал).

Иқтисодий районда 2015 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича жами 3927,3 млрд. сўмлик кимё саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани ҳолда, бу кўрсаткич 2020 йилда (кейинги беш йил ичида) 6303,9 млрд. сўмни ташкил қилган. 2005 йилга нисбатан ўсиш 1,6 мартага ортган. Бу борада Фарғона вилоятининг ҳиссаси катта, аксинча Наманган вилоятининг ҳиссаси жуда ҳам оз. Бироқ, ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки Наманган вилоятида кейинги йилларда фармацевтика саноатини кескин ривожланаётганлигини кўриш мумкин ва ушбу саноат тармоғи бўйича вилоят иқтисодий районда биринчи ўринда туради. 2020 йилда вилоят 230,4 млрд.сўмлик (жами фармацевтика маҳсулотларининг 77,0 фоизи) фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарган. Бу маълумотлар Наманган вилоятида ушбу тармоқнинг истиқболи юқори эканлигидан дарак беради. Иқтисодий районда резина ва пластмасса буюмлари саноати ҳам ривожланмоқда. Районда биргина 2020 йилда 748,7 млрд. сўмлик резина ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқарилган. Бу жами кимё саноат ишлаб чиқаришининг 11,9 фоизига тенг. Резина ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш бўйича ҳам ҳудудий таркибда Фарғона вилояти етакчи (357,3 млрд.сўм), кейинги ўринни Андижон вилояти (236,8 млрд.сўм) банд қилган бўлса, Наманган вилояти (154,6 млрд.сўм) эса охириги ўринда туради [9, 10, 11].

**Хулоса.** Фарғона иқтисодий районида ташкил этилган кимё саноат корхоналар сони, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва тармоқ таркибининг ривожланганлиги бўйича Фарғона вилояти етакчилик қилади. Бироқ, ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки Наманган вилоятида кейинги йилларда фармацевтика саноатини кескин ривожланаётганлигини кўриш мумкин ва ушбу саноат тармоғи бўйича вилоят иқтисодий районда биринчи ўринда туради. Шундай бўлсада умумий кимё саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, корхоналар сони ва динамикасида Наманган вилоятининг улуши кам. Шу сабабли кейинги йилларда вилоятлар таркиби бўйича Наманган вилоятида кимё саноат корхоналарини ҳудудий ташкил этишга кўпроқ аҳамият бериш тавсия этилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Абдиназарова Х.О. Фарғона иқтисодий районидаги кимё саноати корхоналарининг ривожланишини социологик усуллар ёрдамида ўрганиш тажрибаси // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 57 – жилд. – Т, 2020. – Б. 153-158.

2. Abdinazarova X.O. Geographic approach to the development of the network of chemical industry of Uzbekistan. Экономика и социум. Электронное периодическое издание Россия, г. Саратов 2020. №9(76). – P. 3-7.

3. Абдиназарова Х.О. Фарғона иқтисодий райони кимё саноати ҳудудий таркибини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари География: табиат ва жамият // Электрон журнал. №1. – Т., 2021. – Б. 55-64.

4. Komilova N.Kh., Abdinazarova H.O. The role and geographical features of the chemical industry in the development of the economy of Uzbekistan // Экономика и социум. Электронное периодическое издание. №5(84) ч.1. – P., 2021. – С. 248-255.

5. Komilova N.Kh., Abdinazarova Kh.O. Some theoretical aspects of the development of the chemical industry. European Science Review Austria Vienna 2019 January–February. – P. 25-27.

6. Komilova N.Kh., Hudayberganova R.T., Murtazaev I.B., Abdinazarova H.O., Madaminov Z.H. Economic and Geographic Problems of Improvement of Industrial Sectors and Local Structure of Uzbekistan. Journal of Advanced Research in Law and Economics ASERS Quarterly Volume X Fall 2019. Issue 6 (44). – P. 1916.

7. Солиев А.С. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. (Танланган асарлар). Монография. Тошкент, 2013. – 243 бет.

8. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). Ўқув қўлланма - Т: Университет, 2014. – 48-50 б.

9. O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi. Yillik statistik to'plami. Toshkent. 2020. – 92 b.

10. O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi. O'zbekiston sanoati. Yillik to'plami. Toshkent. 2020. – 22-25 b.

11. <https://farstat.uz>.